2023-YIL – INSONGA E'TIBOR VA SIFATLI TA'LIM YILI

# Qishloq hayoti

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 16-fevral, payshanba | № 7 (9223)-son | e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru | @Qishloqhayoti_gazetasi

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

## ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш, улардан самарали ва оқилона фойдаланиш орқали иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, истеъмолчилар томонидан электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги "Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–269-сон Фармонига мувофиқ **Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Электр энергияси, нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси** (кейинги ўринларда – Ўзэнергоинспекция) ташкил этилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги "Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ–14-сон Фармонига мувофиқ Ўзэнергоинспекциянинг Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган **жами бошқарув штат бирликлари сони 357 та**, шу жумладан, Ўзэнергоинспекция бошлиғи **ўринбосарларининг сони 2 нафар** этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзэнергоинспекция фаолиятининг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) ёқилғи-энергия ресурсларини ишлаб чиқариш (қазиб чиқариш), қайта ишлаш, узатиш (ташиш), тақсимлаш ва истеъмол қилиш, уларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш бўйича норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиниши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

электр, газ узатиш ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш, ёқилғи-энергия ресурсларини талон-тарож қилиш ва ноқонуний истеъмол қилишнинг бошқа ҳолатларини, шунингдек, уларни содир этишга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш;

бевосита истеъмолчилар томонидан фойдаланилган ҳамда тегишли ҳудудлар чегарасидаги тармоқларга етказиб берилган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажми ўртасидаги тафовутларни аниқлаш ва бартараф этиш;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан (аҳолидан ташқари) энергетика объектларида бахтсиз ҳодисалар ва технологик бузилишлар (авариялар)нинг олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ҳамда энергия самарадор ва энергия тежовчи замонавий технологияларни жорий қилиш, шунингдек, энергия ресурсларини истеъмол қилиш самарадорлигининг мониторингини олиб бориш;

ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича истеъмолчилар (аҳолидан ташқари) томонидан бажариладиган чора-тадбирларнинг энергия самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмолининг меъёрлари бажарилиши ва келгусида такомиллаштирилиши устидан назоратни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан Ўзэнергоинспекция ходимлари зиммасига уларнинг ваколатига кирмайдиган вазифаларнинг юкланиши тақиқланади;

давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар мазкур қарорга мувофиқ Ўзэнергоинспекцияга унинг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаришда ҳар томонлама кўмаклашиши шарт;

Ўзэнергоинспекция зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборот, ҳужжатлар ва бошқа материаллар унинг қонуний талабига кўра бепул тақдим этилади;

Ўзэнергоинспекция томонидан ёқилғи-энергия ресурсларини беҳуда сарфлаш, улардан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш борасида давлат назоратини амалга ошириш билан боғлиқ назорат тадбирлари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмайди;

Ўзэнергоинспекция ходимлари хизмат гувоҳномалари бўлган тақдирда, сутканинг исталган вақтида истеъмолчиларнинг ёқилғи-энергия ресурсларини ҳисобга олиш ускуналари кўрсаткичларини ёзиб олиш ва уларнинг ҳолати, уланиш схемалари ва қурилмаларини кўрикдан ўтказиш учун ҳисобга олиш ускуналари, схемалари ҳамда қурилмаларини тўсқинликсиз бориб кўришга ҳақли;

Ўзэнергоинспекция Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида давлат органлари ва ташкилотлари томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларининг қурилмалари ўрнатилишини назорат қилади ва белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан чоралар кўриш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиб боради.

4. Бош прокурорнинг ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш соҳасида қонунчиликка риоя этилиши ва унинг ижроси устидан назоратни амалга оширишга масъул бўлган **ўринбосари** (кейинги ўринларда – Бош прокурор ўринбосари) лавозими киритилсин.

Белгилансинки, Бош прокурор ўринбосари:

Ўзэнергоинспекция зиммасига юкланган вазифа ва функцияларни бажаришга амалий ёрдам кўрсатади;

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти фаолиятини мувофиқлаштиради.

**(Давоми 2-саҳифада)**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Жорий йилда Тошкент вилоятида амалга оширилиши мўлжалланаётган қишлоқ хўжалиги лойиҳалари тақдимоти чоғида давлатимиз раҳбари томонидан чорвачилик ва паррандачиликка оид қатор истиқболли лойиҳалар ҳам маъқулланган эди.

## ЖОРИЙ ЙИЛДА ЧОРВАЧИЛИК, ПАРРАНДАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА 175 ТА ЛОЙИҲА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Айни вақтда белгиланган ушбу режалар ижроси бўйича вилоятда тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Лойиҳалар таҳлилига эътибор қаратар эканмиз, аввало уларнинг халқни ўйлаб, узоқни кўзлаб ишлаб чиқилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, Чиноз, Қуйи Чирчиқ, Тошкент ва Бекобод туманларида парранда гўшти ишлаб чиқариш талабнинг 50 фоизини ҳам ташкил этмайди. Балиқчиликни ривожлантириш ҳамда гўшт, сут маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича ҳам вилоятда талаб бор. Шунга қарамай ҳозирга





қадар бу борадаги лойиҳалар ижросини таъминлашга бир қатор муаммоларнинг мавжудлиги тўсқинлик қилиб келарди. Улар асосан қўшимча ер ва озуқа етиштириш масаласи эди. Эндиликда бу каби масалаларда ечим топилди. Хусусан, жорий йилдан пахта ва ғалла етиштирувчи субъектлар томонидан 17,6 минг гектар майдонда беда ва бошқа озуқа экинларини алмашлаб экиш тажрибаси жорий этилади. Биргина Оҳангарон туманида яйлов ва лалми ерларга чорвачилик мажмуаларини қуриш бўйича ер ажратиш тартибининг соддалаштирилгани соҳа ривожида қатор имкониятлар эшигини очмоқда. Бунинг натижасида 10 минг бош қорамол парвариши йўлга қўйилиб, пойтахт аҳолисига 20 минг тонна сут ва 5 минг тонна гўшт етказиб бериш имконияти яратилади. Умуман олганда жорий йилда қорамолчиликда 100 та, қўй, эчкичиликда 30 та, балиқчиликда 25 та, паррандачиликда 10 та ҳамда гўшт ва сутни қайта ишлаш соҳасида 10 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳар жиҳатдан хайрлидир. Боиси, белгиланган режаларнинг рўёбга чиқиши натижасида аҳолининг бугунги талаб ва эҳтиёжлари тўлиқ қондирилади. Ижро этувчи субъектларга халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан 3 йиллик имтиёзли давр билан 10 йил муддатга 5 фоиздан ошмаган ҳолда кредитларнинг йўналтирилаётгани эса яқин йилларда вилоятда юқоридаги соҳалар ривожида муҳим омил бўлади.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Пресс-тур*



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТИЗИМИДА ТАДБИРКОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

Ўзсаноатқурилишбанк томонидан жорий йилги илк пресс-тур Самарқанд вилоятига ташкил этилди. У ерда журналистлар банкнинг молиявий кўмагида ишга туширилган корхоналар фаолияти ҳамда мазкур ҳудудда муассаса мижозларига яратилган қулайликлар билан таништирилди.

Ўзсаноатқурилишбанк тизимида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш трансформация жараёнида тубдан ўзгарди. Уларни алоҳида сегментларга (микро, кичик ва ўрта) ажратган ҳолда, универсал менежерлар орқали мижозбай хизмат кўрсатиш, бунда ҳужжатларнинг ихчамлаштирилгани ҳамда банк маҳсулот ва хизматлари қайта девирсификация қилингани катта самара бермоқда. Бу самарқандлик тадбиркорлар томонидан ҳам алоҳида қайд этилмоқда.

– Корхонамиз ташкил этилганига 15 йил тўлди, – дейди "Bog'i baland beverage" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Баҳодир Боқиев. – Ўтган давр мобайнида банк кўмагида бизнесда салмоқли натижаларга эришдик. Бироқ, бугун банкдаги муҳит мутлоқо ўзгача. Офислардаги шароитлар, ҳар бир мижозга алоҳида ёндашув, хизматлар борасида имтиёзли пакетларнинг таклиф этилиши биз, тадбиркорларни бошқача руҳлантирмоқда.

"Bog'i baland beverage" кўптармоқли корхона. У ердаги цехларнинг бирида яхна ичимликлар, бирида пластик идишлар, яна бирида эса, кир ювиш машиналари ишлаб чиқарилади.

**(Давоми 2-саҳифада)**

## СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРИ БУХОРОДА ҚУРИЛАЁТГАН НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ

*Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги иштирокидаги "Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш" лойиҳаси доирасида Олот туманидаги "Аму-Бухоро-II" насос станциясида 10 та агрегатни янгисига алмаштириш режалаштирилган.*

Пудрат ташкилоти бўлган "China Nuclear Industry 22nd Construction Co., Ltd" (Хитой) компанияси томонидан ушбу насос станциясидаги 3 та агрегатни ишга туширишга ҳозирлик кўрилаяпти.

Ҳисоб-китобларга кўра, "Аму-Бухоро-II" насос станциясида 10 та агрегатни янгилаш натижасида йилига 66,5 млн/кВт электр энергияси тежалади ва йиллик эксплуатация харажатлари 4,5 млрд. сўмга камаяди.

Шунингдек, "Аму-Бухоро ирригация тизимини қайта тиклаш" лойиҳаси доирасида янги "Аму-Бухоро-I" насос станцияси қурилмоқда. Бу ерда



ҳар бири 11,2 м3/с сув чиқариш қувватига эга бўлган 8 та насос агрегатини ўрнатиш режалаштирилган.

"Аму-Бухоро-I" насос станциясидаги қурилиш пудратчиси "China National Technical Import and Export Corporation" (Хитой) компаниясидир. Янги насос станциянинг ишга туширилиши натижасида йилига 13 млн/кВт электр энергияси тежалади ва йиллик эксплуатация харажатлари 2 млрд. сўмга камаяди.

2023 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазири Ш.Хамраев ушбу насос станцияларида бўлиб, қурилиш жараёнлари билан танишди. Агрегатларни ўрнатиш, ишга тушириш борасида қурувчиларга ўз тавсияларини берди.

**Аму-Бухоро ИТҲБ**
**матбуот хизмати**

## УММОН ОРТИ ҲАВОСИ ВА ҲАВАСИ

### ЁХУД АҚШНИНГ ЭКОЛОГИК ВА АГРАР СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ



Одатда Американи "сеҳрли диёр", имкониятлар ўлкаси дея таърифлашади. Қолаверса, кўпчилигимизни АҚШда яшаётган аҳолининг ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одатлари, фаолияти қизиқтириши бор гап. Яқинда ушбу мамлакатга уюштирган сафаримиз чоғида, йирик мулк соҳиблари, фермерлар, энергияни қайта ишлаш, экология, атроф-муҳит муҳафазаси билан машғул бўлган соҳа вакиллари билан суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлдик. Умуман олганда, АҚШ сафари ва у мўъжизакор ўлкада кўрганларимиз бизда катта таассурот қолдирди. У ерда инсон қадрланади. Тунд, баджаҳл одамларни учратмайсиз. Аксинча, биринчи кўрган одамига ҳам чиройли табассум ҳадя этади. Уйлар ўзига хос услубда тикланган. Ортиқча дабдаба ва ҳашамдан дарак йўқ. Дарахтларга, умуман олганда табиатга меҳр бўлакча. Улар оиласига қулай шароит яратишда ўзгаларга ибрат, улгу бўла олади. Ҳаво очиқ. Енгил насим эсади. Чанг, ғубордан ҳоли. Дарахтларни барги кўм-кўк, ям-яшил, зумрад тусда. Тинч, Атлантика океани нафаси уфуриб туради. Калифорния штатида бўлганимизда, мулк соҳиблари қурғоқчиликдан азият чекаётгани маълум бўлди. Бу гўшадаги баланд, кўкка бўй чўзган қайрағочлар, пальма, кактус дарахтлари бизларга ёқди. Қушларнинг хушовозда сайраши, океан тарафдан эсаётган саррин шабада дилни яйратади.

**(Давоми 3-саҳифада)**

**Мавжуд электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламаси белгиланган меъёрдан ошган тақдирда, уларга янги истеъмолчиларни улаш қатъиян тақиқланади**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДА ДАВЛАТ НАЗОРАТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Бош прокуратура **икки ҳафта муддатда** ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш устидан давлат назоратини самарали ташкил этиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

Ўзэнергоинспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини мазкур қарор билан белгиланган устувор йўналишлар асосида янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни самарали амалга ошириш **масъулияти шахсан энергетика вазири Ж.Т. Мирзамаҳмудов** ва **Бош прокурор ўринбосари зиммасига юклансин**.

5. Ёқилғи-энергия ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш ва бу борадаги жараёнларни рақамлаштириш мақсадида:

а) мавжуд электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламаси белгиланган меъёрдан ошган тақдирда, **уларга янги истеъмолчиларни улаш қатъиян тақиқлансин**;

б) **2023 йил 1 мартдан бошлаб:**

назорат тадбирларини амалга оширишда тафовутларни аниқлаш мақсадида Ўзэнергоинспекцияга "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларидаги ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли тўғрисидаги маълумотларни мониторинг қилиш имконияти яратилсин;

электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик бўйича тузилган далолатномаларни электрон шаклда расмийлаштириш ва тегишли маълумотларни **"E-ma'muriy ish" тизимига** киритиш тартиби жорий этилсин;

в) **2023 йил 1 июлдан бошлаб** юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар билан электр энергияси ҳамда табиий газни етказиб бериш бўйича шартномалар электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ёхуд "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тузилиши белгилансин.

Бунда:

мазкур тартиб юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли бўйича лимитларни белгилаш ва уларга ўзгартиришлар киритишга ҳам татбиқ этилади;

давлат буюртмачилари билан тузилган шартномалар тўғрисидаги маълумотлар давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталига автоматик равишда юборилиши таъминланади;

бюджет буюртмачилари билан тузилган шартномалар ғазначилик бўлинмаларида электрон шаклда (инсон омилисиз) рўйхатдан ўтказилади;

г) **2023 йил 1 октябрга қадар** мавжуд электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари юкламаси ошиб кетишининг олдини олиш имкониятини яратиш мақсадида улар биоахборот тизимига киритилсин ҳамда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминоти ҳамда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими билан интеграция қилинсин.

Бунда, электр энергияси ва табиий газни узатиш ҳамда тақсимлаш тармоқлари ва қурилмалари мазкур тизимлар билан интеграция қилингандан сўнг электр ва газ тармоқларига уланишда уланиш нуқталари автоматлаштирилган тарзда инсон омилисиз танланади:

д) **2023 йил 1 октябрдан бошлаб** электр ва газ тармоқлари ва қурилмаларини қуришда лойиҳа ҳужжатларини ваколатли органлар билан келишиш тегишлича электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари орқали аниқ муддатларда амалга оширилиши белгилансин.

Энергетика вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "UzGasTrade" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан биргаликда электр ва газ таъминоти корхоналарининг дастурий таъминотлари ишлаб чиқилиши ва ишга туширилиши ҳамда мазкур бандда назарда тутилган техник тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

6. Ўзэнергоинспекция "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзтрансгаз" АЖ билан биргаликда:

а) **доимий равишда**:

юридик ва жисмоний шахсларга тегишли энергетика объектлари (кейинги ўринларда – объектлар) рўйхатини шакллантириб борсин;

объектларда истеъмол қилинаётган ёқилғи-энергия ресурслари ҳажмини аниқлаб борсин;

объектларда ёқилғи-энергия ресурслари беҳуда сарфланиши ва сифат талабларига риоя этмаслик ҳолатларини аниқлаб борсин ва улар бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўрсин;

тизимли асосда ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга оширсин;

объектларнинг тармоқларга тўғри уланганлиги ва ҳисоблагичлар мавжудлиги, уларнинг техник талабларга ва стандартларга мувофиқлигини текшириб борсин, шунингдек, айбдор бўлган мазкур объектлар ходимлари ва уларга хизмат кўрсатган шахсларни қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш чораларини кўрсин;

объектларда ўрнатилган ҳисоблагичларнинг электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимларига мослигини ўргансин;

б) **ҳар ойда** электр ва газ тармоқлари ҳамда қурилмаларининг юкламалари ва созлигини текшириб бориб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Бунда, Ўзэнергоинспекция **ҳар ойда** Бош прокурор ўринбосари ва энергетика вазирига мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот киритиб борсин.

7. Бош прокуратура Олий суд, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин:

электр энергияси, газ ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш орқали талон-тарож қилиш ҳолатларини ўғрилик жинояти сифатида белгилаш;

Ўзэнергоинспекциянинг электр энергияси ва газдан фойдаланиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш (мансабдор шахсларга нисбатан) ваколатини белгилаш;

Ўзэнергоинспекция томонидан берилган ёзма кўрсатма ва тақдимномаларни бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш.

8. Энергетика вазирлиги ва Бош прокуратуранинг қуйидаги маблағларни Ўзэнергоинспекциянинг белгиланган тартибда очиладиган махсус ғазна ҳисобварағига йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

Ўзэнергоинспекция иштирокида ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ қоидабузарликлар бўйича ундирилган зарар суммасининг 25 фоизи;

истеъмолчилар томонидан қувват коэффициентининг норматив қиймати ушлаб турилмаганлиги натижасида юзага келган электр энергиясининг қўшимча йўқотилиши билан боғлиқ тўловлардан "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ филиалларига тушган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан қўлланилган маъмурий жарималар ва иқтисодий санкциялар бўйича ундирилган маблағларнинг 50 фоизи;

Ўзэнергоинспекция томонидан пуллик хизматларни кўрсатишдан тушадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Бунда, махсус ғазна ҳисобварағидаги маблағлар қуйидаги мақсадларда ишлатилиши назарда тутилсин:

Ўзэнергоинспекция ходимларини моддий рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

Ўзэнергоинспекция ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Ўзэнергоинспекцияга шартнома асосида эксперт ва мутахассисларни унинг зиммасига юкланган вазифаларни самарали бажариш учун жалб қилиш. Бунда, шартнома асосида жалб қилинадиган эксперт ва мутахассислар мақоми бўйича Ўзэнергоинспекция ходимларига тенглаштирилади;

Ўзэнергоинспекция вазифаларини самарали амалга ошириш ҳамда ахборот технологияларини жорий этиш ва модернизация қилиш.

9. Энергетика вазирлиги:

а) Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда **2024 йил якунига қадар** электр энергиясининг диспетчерлик бошқаруви ва маълумотларни йиғиш дастурий-аппарат комплекси (SCADA), шунингдек, ишлаб чиқаришдан бошлаб якуний истеъмолчига етказиб беришгача бўлган барча жараёнларга электр энергияси ва табиий газни назорат қилиш ҳамда ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари (ЭНҲОАТ, ГНҲОАТ) тўлиқ жорий этилишини таъминласин.

Бош прокуратура мазкур тизимлар тўлиқ жорий этилишини алоҳида назоратга олсин;

б) "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва "Ҳудудгазтаъминот" АЖ билан биргаликда **бир ой муддатда** электр ва газ тармоқларига уланиш учун техник шартлар талаблари ва уларни бериш тартибини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва белгилаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. "Ўзтрансгаз" АЖ, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ ва "Ҳудудгазтаъминот" АЖ Солиқ қўмитаси билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари аниқланган тақдирда, инсон омилисиз қайта ҳисоб-китоб қилиш, етказилган зарар миқдорини аниқлаш ва Солиқ қўмитаси базасида параллел равишда ҳисобга олишни назарда тутувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқсин ва амалиётга жорий этсин.

"Ўзтрансгаз" АЖ, "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "UzGazTrade" АЖ, "Иссиқлик электр станциялари" АЖ, "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ, "Ўзбекнефтгаз" АЖ, "Ўзбекгидроэнерго" АЖ мазкур дастурий таъминотни ишлаб чиқишда истеъмолчилар базасини шакллантириш ҳамда биллинг тизимлари билан интеграциясини таъминлаш мақсадида "UZINFOCOM" давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор" МЧЖга барча бирламчи маълумотларни тақдим этсин ва биллинг тизимлари билан боғланишга рухсат берилсин.

11. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Энергетика вазирлиги билан биргаликда **2023 йил 1 июнга қадар:**

бино ва иншоотлар ҳамда улардан фойдаланиш турларига кўра муқобил энергия, табиий газ, электр энергияси, ирригация, ичимлик сув ва оқава сувлар сарфининг стандарт ҳажмларини қатъий белгилайдиган мезонларни тизимга жорий қилсин;

объектларнинг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини техник шартларни рақамлаштирган ҳолда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими орқали амалга оширсин.

12. Энергетика вазирлиги энергетика тармоқлари тархлари, мавжуд тармоқларнинг жорий ҳолати ва даврий юкламаларини рақамлаштирган ҳолда уларнинг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига интеграциясини таъминласин ва **ҳар ойда** маълумотлар базасини янгилаб борсин.

13. Ўзэнергоинспекция **2023 йил 1 майга қадар** ёқилғи-энергия ресурсларидан ноқонуний ва самарасиз фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда уларни онлайн расмийлаштириш учун барча ходимларни махсус планшетлар билан таъминласин.

14. Энергетика вазирлиги Бош прокуратура билан биргаликда **бир ой муддатда** электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини танқидий қайта кўриб чиқиб, янгиланган қоидаларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

15. Вазирлар Маҳкамаси **бир ой муддатда** Ўзэнергоинспекция тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

16. Энергетика вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ҳамда Бош прокурор ўринбосари белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Н.Т.Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 февраль



# ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТИЗИМИДА ТАДБИРКОРЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУБДАН ЎЗГАРДИ

**(Боши 1-саҳифада)**

Пресс-тур давомида ОАВ ходимлари уларнинг ҳар бирида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнларини кузатишди. Ярим автомат кир ювиш машиналари ишлаб чиқарувчи цехда банк кредити ҳисобига четдан келтирилган технологик ускуна имкониятлари билан танишди. Ҳозирда мазкур цехда 30 дан зиёд ишчи меҳнат қилмоқда. Улар томонидан халқимизга йилига 28 мингта маҳсулот етказиб берилмоқда.

Журналистлар учун навбатдаги манзил "Ургут" эркин иқтисодий зонада жойлашган альюмин радиаторлар ишлаб чиқарувчи "TESPACK INVESTMENT" масъулияти чекланган жамияти бўлди. Таъкидланишича, банк билан ҳамкорликда татбиқ этилган умумий қиймати 841 272,0 долларга тенг мазкур лойиҳа корхонанинг саноат маҳсулотларини маҳаллийлаштириш дастурига оид иккинчи иши ҳисобланади. Корхонада 20 нафар йигит-қиз иш билан банд этилган. Йилига 350 минг донага яқин ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бир қисми (2022 йилда бу кўрсаткич 80 минг доллардан ортган) қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Пресс-тур иштирокчилари банк кредит маблағлри ҳисобига кетма-кет иккита лойиҳани ишга туширган "BRADJUS" корхонасига ҳам ташриф буюрди. У ерда меҳмонлар дастлаб "Mac Caldo" бренди остидаги тез тайёр бўлувчи макарон маҳсулотларининг ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди. Сўнгра жорий ёзги мавсумда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашга шай қилинган яна бир цехдаги шароитларни кўздан кечирди. Лойиҳа ишга тушса, корхона ишчилари сони 80 нафардан ортади. Халқ истеъмол бозорига йилига 25 минг тоннадан зиёд "Ever" бренди остида ичимлик суви етказиб берилади.

Шунингдек, пресс-тур доирасида ОАВ вакиллари учун Ўзсаноатқурилишбанкнинг Самарқанд минтақавий банк хизматлари офисида матбуот анжумани ҳам ўтказилди. Тадбирда муассасанинг ўтган йилги фаолияти якунлари хусусида ахборот берилди.

– Кредитлар ҳар доим энг талабгир маҳсулот, шу боис ҳар йили банк ресурс базасини шакллантириш ишлари фаол олиб борилади, – дейди Банк хизматлари офиси бошқарувчиси Фарҳод Ҳамидов. – Хусусан, 2022 йилда аҳоли ва банк мижозлари бўлмиш хўжалик субъектлари (шу жумладан, уларнинг ишчи-хизматчилари) ўртасида депозитларни кенг тарғиб этиш натижасида улардан жалб қилинган омонатлар қолдиғи 300 млрд. 200 млн.сўмга етди. Бундан ташқари, мижозларга халқаро кредит линиялар ҳисобидан ҳам кредит маблағлари ажратилди. Бунинг ҳисобига кредит қўйилмалар қолдиғи 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1,8 трлн. сўмни ташкил этди.

**Банк ахборот хизмати**

# ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАР МУРОЖААТЛАРИ ИНСТИТУТИ

## УНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА АМАЛИЁТИ ҚАНДАЙ?

***XXI асрда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи бир мамлакат ҳудудидан ташқарига чиқиб, халқаро ҳамжамият доирасида долзарб муаммога айланди. Бу ўз навбатида, халқаро ҳамжамият ва дунё мамлакатлари олдига ушбу умуминсоний қадриятлар соҳасида ечимини кутаётган масалаларни биргаликда бартараф этиш вазифасини юкламоқда. Шунинг учун қадриятлар атрибутини ташкил этувчи инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари бугунги кунда умумжаҳон, минтақавий ва давлатлараро даражадаги ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишига олиб келмоқда.***

Мазкур соҳадаги қонунчилик тарихига назар солсак, Финляндиянинг 1766 йилда қабул қилинган "Ахборот эркинлиги тўғрисида"ги Қонуни дунёнинг бошқа ҳеч қайси бир мамлакатида учрамайдиган ҳар бир кишининг ҳукумат ҳужжатлари билан танишиш ва улардан нусха олиш ҳуқуқини кафолатлаб берувчи муҳим манба сифатида эътироф этилади.

Бинобарин, ушбу қонунга биноан, агарда мансабдор шахс аризачига у ёки бу ҳужжатни тақдим этишдан бош тортса, у ҳолда мансабдор шахс рад қилиш сабаби асослаб берилган расмий ёзма жавоб тақдим қилишга мажбур. Бундай қарор, даъво мазмуни бўлган ҳужжатнинг ошкоролиги бўйича мустақил қарор қабул қилишга ваколатли маъмурий судда шикоят қилиниши мумкин. Финляндияда ҳукумат ҳужжатларининг ошкоралиги суд органларининг қаттиқ назорати остидадир.

Яна бир ҳолат. Финляндияда порахўрликка қарши курашдаги асосий урғу ҳам таълим, полиция, прокуратура ва мустақил судларга берилади. Ҳаракатларнинг қонунга мос ҳолда эканлигини аризалар асосида коррупцияда гумондорлик бўйича ишлар билан шуғулланувчи омбудсман ва ҳуқуқий канцлер ҳам кузатиб туради. Франциянинг 1789 йил 26 августдаги "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси"нинг XI моддасида "Фикр ва ғояларни эркин ифодалаш инсоннинг энг қимматли ҳуқуқларидан биридир: шунинг учун ҳар бир фуқаро қонунда кўзда тутилган ҳолатларга мувофиқ, эркинликни суиистеъмол қилганлиги учун жавоб беришдан ташқари, эркин гапириши, ёзиши, нашр этиши мумкин", деган қоиданинг киритилиши демократик ривожланиш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилган миллий қонунчилиги асосини ташкил этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1966 йилнинг 16 декабрида қабул қилинган "Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт"да унда иштирок этувчи ҳар бир давлат ўз зиммасига: ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя нуфузли суд, маъмурий ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатнинг тизимида назарда тутилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминланиши ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилиши назарда тутилган. Давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига бевосита алоқадор универсал даражадаги ягона ҳужжат БМТ Бош Ассамблеясининг 1998 йил 9 декабрдаги резолюцияси билан тасдиқланган "Алоҳида шахслар, гуруҳлар ва жамият органларининг умумэътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳамда мажбуриятлари тўғрисида"ги декларация ҳисобланади. Унда мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати, уларни ҳимоя қилиш ва амалга ошириш шарти сифатида қаралади. Декларациянинг 8-моддасида шикоят қилиш ҳуқуқи тўғридан-тўғри демократия институти сифатида мустаҳкамланган бўлиб, унда қайд этилишича, ҳар бир шахс якка ёки бошқалар билан биргаликда давлат органлари ва муассасаларига, шунингдек, жамоат ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларга ўз фаолиятини такомиллаштириш юзасидан танқид қилиш ва таклифлар бериш, ўз фаолиятининг тарғиботига халақит берадиган ёки тўсқинлик қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолатга эътиборни жалб қилиш ҳуқуқи қайд этилган. Шунингдек, декларациянинг 9-моддасида ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилган ҳар қандай шахс шахсан ёки қонуний вакили орқали мустақил, холис ва ваколатли судга ёки бошқа давлат органларига шикоят бериш ҳуқуқига эгалиги, мазкур шахснинг ҳуқуқлари ёки эркинликлари бузилганлиги аниқланган тақдирда ваколатли орган тегишли қонунларга мувофиқ, белгиланган муддатда уни бартараф этиш ва етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиши назарда тутилган. Шунингдек, БМТ Бош Ассамблеясининг 2006 йил 15 мартдаги резолюцияси билан Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия ўрнига ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш ўз фаолиятини шикоятлар бўйича тартиб-таомиллар йўналишда амалга ошириши белгилаб қўйилган.

Халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳар қандай демократик давлат юқорида қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ўз мамлакати ҳудудида инсон ҳуқуқларини кафолатловчи институтларни ташкил қилади ва миллий қонунчиликда унинг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаб қўяди. Масалан, Франция Конституциясининг "Ҳуқуқ ҳимоячиси" деб номланган 71-1-моддасида "Ҳуқуқлар ҳимоячиси давлатнинг маъмурий хизматини, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, давлат муассасалари, шунингдек, давлат хизмати вазифаси юкланган ҳар қандай орган ёки ташкилий қонун билан муайян ваколатлар берилган субъектлар томонидан ҳуқуқ ва эркинликларга риоя этилишини назорат қилади. Ташкилий қонун (конституциявий қонун)да кўзда тутилган шартларга мувофиқ, биринчи хатбошида эслатиб ўтилган бирор давлат хизмати ёки бирор орган фаолияти натижасида ўзини жабрланувчи деб ҳисоблаган ҳар қандай шахс унга мурожаат этиши мумкин. У ўз ваколатлари доирасида ташаббус кўрсатиши мумкин", деган қоида белгиланган.

Европа ва АҚШда мурожаатларнинг ҳал этилишини шартли равишда икки турдаги ҳуқуқ тизими асосида амалга оширилишини кўриш мумкин. Масалан, Англо-саксон ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатларда умумий судлар, Роман-герман ҳуқуқ оиласига кирувчи давлатларда маъмурий судлар томонидан кўрилади. Шунингдек, қайд этилган хорижий мамлакатларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда маъмурий юстициянинг ўрни муҳим аҳамият касб этиб, бу институт амалиётда ижобий самарасини берган.

Маъмурий юстицияни ташкил этишнинг немис модели давлат бошқарувида юзага келадиган муъмурий низоларни кўриб чиқиш учун ихтисослаштирилган судларнинг ташкил этилганлиги билан ажралиб туради. Бу ерда маъмурий юстиция судлари мамлакатнинг ягона суд тизими таркибига киради ва фақат қонунга бўйсинади. Улар одил судловни амалга оширишда маъмурий органлар ва умумий судлардан мустақилдирлар.

**Содиқ ЮЛДАШОВ,**
*Жамоат хавфсизлиги университети профессори в.в.б, ю.ф.ф.д. (PhD)*

**Танишувлар ўзига хос завқли дамларни, ажойиб, бир умрга татийдиган ёрқин кунларни ҳадя этди**

# УММОН ОРТИ ҲАВОСИ ВА ҲАВАСИ

## ЁХУД АҚШНИНГ ЭКОЛОГИК ВА АГРАР СОҲАСИДАГИ ТАЖРИБАЛАРИ



**(Боши 1-саҳифада)**

Жошуа Три миллий парки бағрида яшнаб турган кактус дарахтларини кўриб кўзим қувнади, дилим яйради. Аслида танишув, табиат қучоғида кезиш, сайру саёҳат инсонни зериктирмайди. Танишувлар ўзига хос завқли дамларни, ажойиб, бир умрга татийдиган ёрқин кунларни ҳадя этди. Таассуротларнинг бир шингилини сўзламоқчимиз.

АҚШ Давлат департаменти қошидаги Хориж матбуот маркази ва АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Вашингтондаги Меридиан Халқаро маркази томонидан ўзбекистонлик журналистлар учун АҚШнинг Калифорния штатига медиатур ташкил этилди. Ушбу 10 кунлик "Media Co-op – 2022" дастурида иштирок этиб, океан орти мамлакатида экология, қишлоқ хўжалиги ва сув муаммолари, шамол энергетикасидан самарали фойдаланиш йўналишидаги илғор тажрибалар билан танишдик. Сафар чоғида қатор нодавлат ташкилотлари ва фермер хўжаликлари ҳамда Берклидаги Калифорния университетида бўлиб, ижодий мулоқотларда қатнашдик. Учрашувларда кўплаб фикрлар билдирилди, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув муаммоларини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатлар бўйича маълумотлар берилди.

**Эндрю Эллис (Climate Reality ташкилотининг иқлим бўйича бизнес ишчи гуруҳи раҳбари):**

2017 йилда ташкил этилган ташкилотимиз Лос-Анжелесда энг йирик нодавлат ҳаракат ҳисобланади. Сув ва қайта тикланадиган энергия борасида маҳаллий аҳоли ва ҳукумат билан ишлашда ташкилотимиз волонтёрларни ўзига бирлаштирган. Ҳозирда ташкилотимиз ўз теварагига она-табиатга, атроф-муҳитга меҳри бўлакча 700 дан ортиқ аъзоларни жамлаган. Биз ҳар куни фуқароларимиз, ўқитувчилар, олимлар, фаоллар, рассомлар, ижодкорлар умуман барча кўнгиллилар билан иқлим ўзгаришининг келиб чиқиши ва оқибатлари ҳамда уни қандай ҳал қилишимиз бўйича фикр-алмашувлар ўтказамиз. Шунингдек, экологияни ўнглаш ҳамда қишлоқ хўжалиги жабҳасида сифатли маҳсулот етиштиришда деҳқон, фермерларга қандай кўмак беришни муҳокама этамиз. Яна бошқа мақсадларимиз корхоналарда энергия тежамкорлигини йўлга қўйиш, қайта тикланадиган энергияга ўтиш ва иқлим ўзгариши оқибатларини бартараф этишга кўмаклашишдир. Бундан ташқари, Лос Анжелесдаги 13 гектарли Десконса Миллий Парки холатини яхшилашга, флора ва фаунасини асрашга ҳам ҳисса қўшиб келаяпмиз.

**Баҳром Фазели (Communities for a Better Environment ташкилоти ходими):**

Ташкилотимиз 1978 йилда ташкил этилган бўлиб, мамлакатдаги энг нуфузли экологик ташкилотдир. Маҳаллий даражада экологик муаммоларни ҳал қилиш, айниқса, кам таъминланганлар учун кўпинча номутаносиб таъсир кўрсатадиган жамоалар ҳаракатини самарали йўлга қўйиш бош мақсадимиздир. Калифорнияда кучли ифлосланган шаҳар ҳавоси бизни энг ўйлантирадиган масаладир. Ўтган 18 йил давомида ташкилот аъзолари бир қатор тадқиқотлар олиб бориб, ижтимоий лойиҳаларни режалаштириш ва турли кампаниялар учун техник ёрдам кўрсатиш учун юридик ёрдамлар кўрсатиб келаяпти. Жумладан, аҳоли худудларида нефт қазиб олишни хавфсиз ташкил этиш бўйича кенг қамровли ҳаракат олиб бораяпмиз. Айниқса, нефт олиш жараёнида ҳавони ифлослантирмаслик, аҳоли саломатлиги учун муҳофаза қўрғонини яратиш бу йўналишда асосий ўрин тутади.

**Аура Васкес (Sierra Club – Los Angeles Chapter марказининг иқлим бўйича ҳаракатлар қўмитаси раиси):**

Жон Муир 1892 йилда Сан-Францискода асос солган ташкилот бўлиб, 1911 йил 1 ноябрда Сиерра клубининг 75 аъзоси томонидан Лос-Анжелесда ҳам иш бошлаган. Мен бошчилигимдаги қўмита ўн йилдан ортиқ вақтдан бери Лос-Анжелесда тоза ҳаво учун корхоналар фаолиятини ўрганиб, уларнинг бу борадаги камчиликларини тузатишга эътибор қаратиб келади. 2014 йил март ойида бутун шаҳар коалициясининг саъй-ҳаракатлари билан 2025 йилдан бошлаб Лож Анжелес кўмирсиз ҳудуд бўлиши эълон қилинди. Бу борада айни пайтда "Тоза ҳаво" лойиҳаси амалга оширилиб, ҳамкорларимиз бўлган деҳқон, фермерлардан тортиб, йирик корхона эгалари билан бирга уни ҳаётга тадбиқ этишга эътибор қаратаяпмиз.

**Арохи Шарма (Миллий ресурсларни ҳимоя қилиш кенгаши National Resources Defense Council – NRDC ташкилоти ходими):**

Санта Моника шаҳридаги Тинч океани қирғоқларига яқин манзилда фаолият юритиб келаётган ташкилот ўсимлик ва ҳайвонлар ҳамда табиатни ҳимоя қилиш учун ишлайдиган тизимларга эгадир. Регенератив усулда қишлоқ хўжалигини рағбатлантирадиган сиёсат юритиш иқлим ўзгариши, тупроқ унумдорлигини муҳофаза қилиш, сувдан фойдаланишни камайтириш, биологик хилма-хилликни тиклашга ёрдам беради. Ташкилотимизнинг кўзлаган режалари улкан. Булар сирасига қишлоқ хўжалигини юксалтириш, қуёш панелларидан расамади билан фойдаланиш ҳамда бошқа масалаларни қўшиш мумкин.

**Жиллиан Гомез (Lyle Center for Regenerative Studies маркази агроэкологи, Лайл Регенератив тадқиқотлар маркази):**

Марказимиз Калифорния Политехника университети кампусида 6,5 гектар майдонда жойлашган бўлиб, ўсимликлар дунёсини ўрганиш, регенератив тадқиқотлар олиб борамиз. Жумладан, уйлар томида резавор ва бошқа маҳсулотлар етиштириш бўйича иш олиб борилади. Талабалар бўш вақтларида бу ерда амалий машғулотларда қатнашади. Умуман, илмий-тадқиқотлар ўтказиладиган марказимиз очиқ далада, қалин дарахтлар билан қопланган сўлим бир масканда жойлашган. Бу ерда ўндан ортиқ турдаги турли ўсимлик ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари устида тўлоқонли тажриба ўтказилаяпти.

**"Sky's the Limit observatory" осмон чегаравий расадхонаси**

Расадхона раҳбари Энн Конгдоннинг билдиришича, обсерватория бу амалий машғулотларни ўтказадиган нотижорат ташкилоти бўлиб, унда ердаги энг кичик объектларни кўриш ёки улкан дисплейларни кузатиш учун бир неча телескоплар бор. Wonder Электрик ва Эли компаниялари томонидан ҳадя қилинган саккизта қуёш панеллари туфайли ёритиш қурилмалари ва компьютерлар мунтазам ишлайди ва проекторлар ўзи учун қувват олади. Шунингдек, бу ердаги майдонда қуёш орбитасидаги планеталарнинг мунтазам жойлашуви бўйича 1х300000 ҳажмда олинган нусхаси барпо этилган. Ҳудуд яқинидаги мактаблар ўқувчилари астрономия фанларининг очиқ машғулотларини ушбу масканда ўтказишади. Майкл Кодин ҳамда Майкл Шмит каби кекса ёшдаги волонтёрлар ҳам ушбу расадхонанинг самарали ишлашига ҳисса қўшиб келмоқда.

"Моронго ҳавзасини муҳофаза қилиш уюшмаси" табиатни муҳофаза қилиш ва экотуризмни ривожлантириш билан шуғулланади. Хусусан, Моронго ҳавзасидаги чўлни ҳимоя қилади. Бу борада айтиш лозимки, Моронго ҳавзасининг иқтисодий ва экологик эксплуатацияси худуд фаровонлигини ҳимоя қилиш ва ёндош ҳудуд аҳолисининг манфаатларига мос келмайди. Шу боис Катта Моронго ҳавзаси деб номланувчи бутун ҳудуд учун бош режа тузиш ғояси илгари сурилмоқда. Жумладан, ташкилот томонидан 1969 йилда аҳоли билан бирга Моронго ҳавзасида электр узатиш тармоғини қуришни тўхтатишга эришилган.

"Биологик хилма-хиллик маркази" ҳам табиатни муҳофаза қилиш ва экотуризм соҳаси ривожи йўлида иш юритади. Жамоа биологик хилма-хиллик инсон фаровонлигининг асосий кўриниши, деб ҳисоблайди. Чунки табиат билан чамбарчас дунёмизда ёввойи ҳайвонларнинг хилма-хиллиги ва ўсимликлар бойлиги жамият ютуғидир. Уларнинг йўқолишига йўл қўймаслик эса барчанинг бурчидир. Шу боис илм-фан, ҳуқуқ ва ОАВ орқали ерларни, сувларни, флора ва фаунани ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳалар амалга оширилади. Ташкилот аъзолари Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар тўғрисидаги ўнлаб таклифларни илгари суриб, Денгиз сут эмизувчиларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун, Тоза сув қонуни ва бошқа кўплаб штат ва федерал низомларини қабул қилишда фаоллик кўрсатди.

**Марин қишлоқ хўжалиги ерлари трести.** 1980 йилда икки аёл – чорвадор Эллен Страус ва ботаник Филлис Фабер оилавий фермаларни ҳимоя қилиш учун маҳаллий чорвадорлар ва табиатни муҳофаза қилувчиларни бирлаштириб, ушбу трестга асос солган. Ташкилот қишлоқ хўжалигида сув муаммолари, уруғчилик ва экинларни алмашлаб экишни тарғиб этиш билан шуғулланишни бош мақсад қилган. Ўтган йиллар давомида ташкилот Марин округида 55 минг акрдан ортиқ майдонни ҳимоя қилиб, сармоя киритилишига эришди. Жумладан, тупроқ унумдорлигини яхшилаш, сув сифатини ҳимоя қилиш ва кўпайтиришга қаратилган лойиҳаларга 1,8 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Бу лойиҳалар асосида 13 та чучук сув булоқлари қайта қурилди, 61 350 фут суғориш қувурлари ўрнатилди. 46 та сув сақлаш идиши ўрнатилди, жами бу идишларда 169 300 галлон миқдорида сув сақланади. Шунингдек, ўрнатилган 20 та сув насосларининг кўпчилиги қуёш энергияси билан ишлайди. Марин округидаги барча фермерлар грант олиш ҳуқуқига эга. Узоқ муддатли сув инфратузилмаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун 15 минг доллар олишлари мумкин. 2022 йил апрел ойида ташкилот кенгаши молиялаштириш учун қўшимча 250 минг доллар ажратишни маъқуллади, янада кўпроқ таъсир кўрсатиш учун ДРАWC учун жами 750 минг доллар миқдорида маблағ йўналтирилди.

**Ребекка Бургесс –** "Фибершед" компанияси асосчиси. Фибершед – минтақавий толали тизимларни ишлаб чиқадиган нотижорат ташкилот. Ребекка Бургесс ҳудудда энг кўп сотилган "Ҳарвестинг Солор" китобининг муаллифи. Китоб фермерлар, мода саноати ва янги тўқимачилик иқтисодиёти учун чоп этилган. Умуман, мазкур ташкилот пахта толаси ва қўй жуни етиштирувчилар билан уни қайта ишловчилар ўртасида илмий асосда воситачилик ишларини ташкил этиб боради.

**Девид Зилберман –** Берклидаги Калифорния университети профессори. Университетнинг қишлоқ хўжалиги ва ресурслар иқтисодиёти факультети дунёдаги қишлоқ хўжалиги ва ресурс иқтисодиёти бўйича энг юқори даражали дастурлар асосида дарс ўтилишига эришиб келмоқда. Хусусан, профессор-ўқитувчилари ва магистратура талабалари глобал озиқ-овқат ишлаб чиқариш, озиқланиш ва саломатлик, ривожланиш иқтисодиёти, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит иқтисодиёти, амалий эконометрия, сиёсатни баҳолаш, энергия иқтисодиёти, табиий ресурслар иқтисодиёти ҳамда халқаро савдо йўналишларида илғор тадқиқотлар олиб боради. Шунингдек, университет олимлари атроф-муҳит иқтисодиёти ва сиёсати бўйича бакалавриат йўналишида мутахассислар тайёрлайди. Талабалар атроф-муҳит муаммоларида қўлланиладиган микроиқтисодиёт асосларини ўрганади, табиий ресурслар ва халқаро ривожланиш бўйича малакага эга бўлишади. Профессор Девид Зилберман қишлоқ хўжалиги ва ресурс иқтисодиёти бўйича кўплаб китоблар ёзиб, профессионал журналларда мақолалар чиқарган.

**Нгодоо Атуме –** Clean Water Action вакили. Ташкилот 1972 йилда муҳим тоза сув қонунини қабул қилиш кампанияси давомида ташкил этилган хамда тоза сув орқали соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳит муҳофазасига эришишни мақсад қилган. Асосий шиори атроф-муҳит, саломатлик, иқтисодий фаровонлик ва ҳаёт сифатини ҳимоя қилишдир. Ташкилот кучли бошланғич гуруҳларга эга бўлиб, атроф-муҳит ва жамият муаммоларини ҳал қилишдан уларнинг аъзолари кучидан фойдаланади. Хусусан, Окленд штатидаги ушбу ташкилотнинг сув сиёсати бўйича таҳлилчиси сифатида, ер ости сувларини бошқариш ва нитрат ифлосланишини назорат қилишда катта кучга эга. Ҳозирда ташкилот аъзолари Барқарор ер ости сувларини бошқариш тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш ҳамда Марказий водийнинг шўрланиши оқибатларини камайтириш бўйича иш юритмоқда. Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳозирда Калифорния штатида бир ярим мингга яқин қудуқлар қуриб қолган, 800 га яқин аҳоли пунктлари аҳолисига тоза ичимлик суви маҳаллий ҳукумат ва қатор ташкилотлар кўмагида беғараз етказиб берилмоқда.

**Кетрин Франсуз –** "Гизбай" компанияси директори. Сан Хосе шаҳрида фаолият олиб бораётган ташкилот тупроқ унумдорлигини тиклаш ва микроблардан фойдаланадиган биоинновацион компания бўлиб, ерларнинг унумдорлигини ошириш ва чиқинди сувни фойдали сувга айлантириш бўйича ҳам иш олиб боради. Кўп йиллар давомида компания ифлосланиш экотизимларга қандай таъсир қилишини ва ифлосланган организмларни қандай яхшилайдиган микроб моддаларни яратиш бўйича иш олиб борган. Дастлабки иш бактериялар ва ўсимликларни ривожлантиришга қаратилган эди ва унда хом нефтни тезда парчалашга эришилган. Компания жамоаси асосан биологлардан иборат бўлиб, генетик муҳандислар, кимёгарлар, экологлар ҳам фаолият кўрсатади. Силикон водийсида асос солинган компания қисқа вақт ичида 11 та давлатга кириб бора олди. Жумладан, Ҳиндистон, АҚШ, Сингапурлик фермерлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Компания бир нечта университет олимлари ва тадқиқотчилари билан ҳамкорлик қилиб, ҳамкор давлатлардаги тадқиқот марказларида компания маҳсулотларини мижозларга тақдим этиб келади. Маълум бирикмалар асосида олинган табиий микроблар тупроқнинг тириклигини таъминлайди. Ўн йиллик тадқиқотлар натижасида, тупроқни ёшартиришга ёрдам берадиган ноёб микробиал профилларни олишга эришилгани олимлар тарафидан эътироф этилмоқда. Бу ютуқлар микроблар даврининг бошланиши ва микробларни оптималлаштиришни давом эттириш орқали экинларга солинадиган кимёвий ўғитлар, гербицидлар ва пестицидларни сезиларли даражада камайтиришга хизмат қилмоқда.

**Жон Стокес –** Алеманй фермер хўжалиги асосчиларидан. Хўжалик Сан Франсисконинг жануби-шарқидаги 3,5 акр майдонга эга. Органик фермада экотизимдаги қатор йўналишларда таълим дастурлари ҳам амалга оширилади. Фермер хўжалигида ўнга яқин турдаги резаворлар, сабзавотлар ҳамда мевалар етиштирилади. Етиштирилган ҳосиллар эхтиёжманд оилаларга ҳамда хўжаликда ишлаётганларга бепул тарқатилади. Бу ерда болалар ва катталарнинг экологик билимини ошириш, боғдорчилик сирлар, экинларни экиш, парваришлаш ҳамда хосилни йиғиб олиш бўйича кўникмалари оширилиб, амалий ишларда қатнашишга рухсат берилади. Фермер хўжалигида кичик иссиқхона ҳам мавжуд бўлиб, у ерда уруғдан кўчат олинади.

Фермер хўжалигида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизими йўлга қўйилган. Умуман, эколог Девид Брауер томонидан асос солинган фермер хўжаликда 30 йилдан ортиқ вақт мобайнида 75 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб, уларга молиявий ҳомийлик ишлари кўрсатиб келинади.

Қарийб 4 минг метр баландликда жойлашган ва 300 минг акрдан ортиқ жойни эгаллаган Ёсимет миллий парки илк марта 1864 йилда муҳофазага олинган. 1890 йилдан буён миллий қўриқхона сифатида муҳофаза этиладиган миллий боғ тоғлари, ноёб табиати, қоялари, секвойя каби гигант дарахтлари, шаршара, дарёлари, айиқ, тоғ шери, лочинлари билан машҳур. Шунингдек, қарийб 1200 квадрат миляни ўз ичига олган чуқур водийлар, катта ўтлоқлар, кенг чўл ҳудуди келувчиларнинг эътиборини ўзига тортади. Ёсемит миллий боғи Калифорнияда жойлашган Сиерра Невада тоғларини ҳам ўз ичига олган. У ўзининг улкан туннел кўриниши билан ҳам машҳур. Баланд Бридалвеил шаршарасининг рамзий манзараси ва Эл Капитан ва Ярим гумбазнинг гранит қоялари барчада катта таассурот қолдиради.

Joshua tree national park Калифорниянинг жанубий-шарқида жойлашган миллий боғ бўлиб, майдони 3196 км. квадратни ташкил этади. 1936 йилдан АҚШнинг миллий ёдгорлиги сифатида тан олинган. 1994 йил 31 октябрда АҚШ Президенти Билл Клинтон уни мамлакат миллий боғи деб эълон қилади. Боғнинг марказий қисмида жойлашган ажойиб тош мажмуалари сайёҳлар орасида шуҳрат қозонган. Мохаве чўли паркнинг шимолий қисмини эгаллайди, унинг ҳудудида Юсса бревифолиа яъни Юсса жинсидан дарахтга ўхшаш ширали "Жошуа дарахти" ўсади, шу боис парк умумий номи шу дарахт номи билан аталган. Боғнинг шарқий ва жанубий қисмлари креозот буталари ва сакрош холия каби ўсимликлар туфайли Соноран чўлини эслатади. Миллий боғда сут эмизувчиларнинг 57 тури, судралиб юрувчиларнинг 49 тури ва қушларнинг 250 дан ортиқ тури яшайди. Энг кўп учрайдиган турлари ер синсаплари, кенгурулар, антилопалар, коётлар, калтакесаклар, қарғалар ва бошқалардир. Бир вақтлар бу ҳудудда аҳоли пунктлари бўлган. Ҳозирда улар сони жуда кам. Лекин ўша пайтлардаги аҳоли яшаган хонадонлар бугунги кунда асл ҳолича сақланиб келмоқда. Махсус табиат қўриқчилари уларнинг хавфсиз ҳолда табиатдан баҳра олишига кўмаклашиб, боғнинг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида билимларини оширишга ҳам кўмаклашмоқда. Умуман, паркда 300 дан ортиқ экотуризм бўйича йўналишлар мавжуд бўлиб, у ерларда тоза сув, ҳожатхона, чиқинди ташлаш жойлари етарлича мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда спортнинг алпинизм тури бўйича турли мусобақалар ўтказилиб, тоғ ва қояларга чиқиш бўйича беллашувлар ташкил этиб борилади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишга уринишлар бутун дунёда кенг қулоч ёймоқда. Wind Power компанияси ҳудудидаги шамол генераторлари музейида ўтказилган суҳбатда қайд этилганидек, шамол энергетикаси бўйича дунёда кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилаётган бўлиб, юздан ортиқ давлатда шамолдан энергия олиш йўлга қўйилган. Электр токи ишлаб чиқаришга мўлжалланган шамол электр станциялари биринчи марта 1890 йили Данияда бунёд этилган. Бу давлат кичик бўлсада, ўз аҳолиси учун 39 фоиз энергияни шамол генераторларидан олмоқда. Халқаро энергетика агентлиги тахминларига кўра, 2030 йилга бориб сайёрамизда шамол энергиясига бўлган эҳтиёж қарийб 5000 ГигаВаттни ташкил этади. Қолаверса, мазкур муқобил энергия тури мавжуд табиий ресурсларни тежашдан ташқари, экология мусаффолиги билан ҳам аҳамиятлидир. Масалан, 1 МВТ қувватли шамол энергетика станцияси 10 йил давомида 15 минг тонна кўмир, 45 минг баррел нефтни тежаши мумкин. Бундан ташқари, атмосферага карбонат ангидрид, сулфат оксиди, азот оксидиларини умуман чиқармайди. Шамол энергиясининг потенциал қуввати дунёда ишлаб чиқилаётган электр энергия миқдоридан 30 баравар ортиқлиги аниқланган. Шамол генераторлари шамол тезлиги 3 м/сек.дан бошлаб электр токини бера бошлайди. Шамол тезлиги 5 м/сек.дан 10 м/сек. оралиғида электр энергия ишлаб чиқариш қуввати 8 марта ошади. АҚШнинг Калифорния штатидаги Палм Спрингс шаҳри яқинидаги Дунго Гооня водийси тоғлар орасида жойлашган бўлиб, асосан шамол генераторлари ўрнатилган. Водий текисликлари компаниялар томонидан бўлиб олинган бўлиб, жами 1130 та шамол генератори ўрнатилган. Бундан ташқари, ўнлаб компаниялар Қуёш панеллари ўрнатиб, энергиясини турли аҳоли пунктларига йўналтирмоқда. Келажакда водий атрофидаги барча аҳоли пунктлари билан бирга ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам тўлиқ қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишга ўтказиш кўзда тутилган. Шамол генераторлари музейини айланар эканмиз, илк генератор бу ерда 1906 йилда ўрнатилгани, йиллар давомида генераторларнинг ҳажми, кўриниши ҳамда самарадорлиги турлича бўлганига гувоҳ бўлдик. Икки-уч парракли, вертикал ва горизонтал айланишли ускуналарга эга генераторлар бугун улкан кўринишга эга. Жумладан, Палм Спрингс водийсидаги энг улкан генераторнинг баландлиги 40 қаватли бинодан юқори бўлиб, қарийб 140 метрни ташкил этади. Нархи 6 миллион АҚШ долларидан ошиқ бўлиб, 6 йилда ўз харажатини тўла қоплайди. Ушбу генераторларнинг фойдаланиш вақти камида 25 йил. Лекин ҳозирда 30 йилга яқин вақт мобайнида ишлаётган генераторлар ҳам бор экан. Шу маънода Ўзбекистонда очиқ, текис ҳудудларда, тоғлар орасидаги водийларда, сув ҳавзаларига яқин жойларда шамолнинг йиллик ўртача тезлиги 3,5-6,5 м/сек.ни ташкил қилишини эътиборга олсак, мамлакатимизда ҳам бу соҳага эътибор қаратиш кераклиги аён бўлади. Ўтган асрнинг 80-йилларида Навоий ва Бухоро вилоятларида бир қанча шамол энергияси билан ишловчи генераторлар ишлатилиб, бу борада тажриба тўпланган. Ҳозирда шу йўналишда Тошкент, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистон Республикасида бир неча янги лойиҳалар амалга оширилаяпти. Масалан, Кореянинг "Доожин Со" компанияси билан ҳамкорликда Чорвоқ сув омбори ҳудудида қурилган 40 метрга тенг анемометрик мачта йилига қўшимча 2,3 миллион киловатт-соат ҳажмда электр энергияси ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Бу йилига 700 минг куб метр табиий газ тежаб қолинаяпти, деганидир.

Палм Спрингс водийсидаги улкан шамол генераторларида парракларнинг айланиши жамият тараққиётига нур бағишлаётганини ҳис этдик.

Хуллас, океан ортидаги саёҳатдан қаноат ҳосил қилиб юртимизга қайтдик. Ҳамон ҳаёратдамиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**журналист.**

---

## АРЗИМАГАН СОВУҚҚОНЛИК, ЭЪТИБОРСИЗЛИК КАТТА ФОЖИАНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИ

***Биласизми, ҳозирги кунда содир бўлаётган ёнғинларнинг 95 фоиздан ортиғи фуқароларнинг яшаш хонадонларида рўй бермоқда.***

Шуниси ачинарлики, фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмасликлари ёки била туриб бепарволик билан қоидаларни қўпол равишда бузишлари ёнғинларнинг келиб чиқишига ва фуқароларнинг ис газидан заҳарланишига сабаб бўлмоқда. Айримларнинг қўлбола иситиш воситаларидан, табиий газдан резина шланглар орқали фойдаланиш, қўлбола чўян печлардан фойдаланиш, газ иситиш асбоблари ёнига тез алангаланувчи буюмларни қўйиши ёнғин хавфини келтириб чикармоқда. Билингки, арзимаган совуққонлик, эътиборсизлик катта фожиани келтириб чиқаради. Шунинг учун иситиш мавсумида эътиборни кучайтирайлик! Табиий газдан фойдаланаётган пайтимизда, гўёки тўлиқ ёнаётгандек тасаввур уйғотади, аслида, тўлиқ ёнмаслиги натижасида хонада газ тўпланиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг оқибатида эса ёнғин содир бўлаяпти, ис газидан заҳарланишлар келиб чиқмоқда.

Ҳурматли фуқаролар! Унутманг, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишингиз ва бу борада фарзандларингизга ҳам тушунтириш беришингиз эртанги ҳаётингизнинг янада фаровон бўлишига хизмат қилади.

**Ф.СОАТОВ,**
*Тошкент тумани ФВБ бошлиғи, подполковник.*

---

## ҚУРИЛИШ МАЙДОНЛАРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАНГ!

***Айни совуқ об-ҳаво шароитида қурилиш ишлари олиб борилаётган майдонларда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа масъуллари, қурувчилар ўртасида мунтазам равишда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу албатта, ўзининг натижасини бермоқда.***

Шу ўринда Тошкент тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими жамоаси ёнғин чиқишининг олдини олиш мақсадида ҳудуддаги қурилиш ишлари олиб борилаётган масканларга алоқадор барча мансабдор шахслар, пудрат ташкилотлари раҳбарлари, қурилиш раҳбарлари, буюртмачилар, қурилиш жойларида меҳнат қилаётган қурувчиларга мурожаат қилиб, қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини сўрайди:

– энг оддий ва мураккаб бўлмаган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилинг!;

– ётоқ вагонларида қўлбола ва ностандарт электр иситиш асбобларидан фойдаланманг!;

– тармоққа уланган электр асбобларини назоратсиз қолдирманг!

– бино ва иморатларнинг ичида очиқ оловдан фойдаланманг!;

– пайвандлаш ва бошқа оловли ишларга фақат ихтисослик гувоҳномасига эга бўлган шахсларни жалб қилинг!

**Х.Ш.АРТИҚБОЕВ,**
**Тошкент тумани ФВБ МТБ бошлиғи, катта лейтенант.**

---

## ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЛАШДА НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ КЕРАК?

***Қурилиш-монтаж жараёнидаги пайвандлаш ва детал сиртларини қоплаш ишлари юқори хавфсизликдаги ишлар сирасига киради. Электр пайвандлаш ишларини қилишга 18 ёшга тўлган, шу касб бўйича махсус ўқув курсларини тугатган, хафсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномалардан ҳамда тиббий кўрикдан ўтганларгагина рухсат этилади.***

Электр пайвандчилар ҳар уч ойда қайта йўриқномалардан ўтказилади. Пайвандлаш ишларини бажариш жараёнида пайвандчи турли хил хавфлардан ҳимояланиш мақсадида махсус кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари ва ишончли иш қуроллари билан таъминланиши зарур. Пайванд ишлари ёпиқ биноларда ўтказилганида хонага шамоллатиш қурилмалари ўрнатилиши керак. Шунингдек, пайванд аппаратлари трансформаторнинг корпуслари пайвандланувчи конструкциялар ерга уланиши даркор. Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда ёруғлик ва иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакция ёниш дейилади.

**Ф.РАҲМОНҚУЛОВ,**
***Сергели тумани ФВБ П ва ПБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант.***

**Ҳалолликни, яхшиликни умрининг мазмунига айлантирган инсонлар эзгулик саодатига эришади**

**Қисқа муддатли бундай "глобал совиш" ҳар 11 йилда такрорланади**

*Тошкент шаҳар Миробод тумани "Баркамол авлод" болалар мактабида 14 феврал куни "Аждодларимизнинг барҳаёт наволари" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

# Аждодларни ёд этиб...





Ёшлар хотирасида ёрқин из қолдирган тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, "Қишлоқ ҳаёти" газетаси Бош муҳаррири Чори Латипов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, ёзувчи, "XXI аср" газетаси Бош муҳаррири Норқобил Жалил, таниқли журналист, "Маҳалла" газетаси Бош муҳаррири Бахтиёр Абдусаттоadmin Абдусатторовлар тадбирда меҳмон бўлиб, улуғ шоир ва мутафаккирларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилиб беришди. "Ижод нашр" нашриёти томонидан тадбирнинг энг фаол иштирокчиларига китоблар тақдим этилиши эса тадбир шукуҳини янада оширди. Болажонлар ўз навбатида ўша даврга хос саҳна кўринишлари ижро этиб, боболаримиз ижодидан намуналарни ёддан ифодали ўқиб беришди.

Бу тадбир бошқа тадбирлардан фарқли равишда ёшлар маънавий оламининг янада бойишига, уларнинг китоб билан дўстлашишларига катта ёрдам берди. Ҳозирда Миробод тумани "Баркамол авлод" болалар мактабида 7 йўналишда 50 дан ортиқ тугараклар фаолият кўрсатмокда. Улар орасида "Хорижий тиллар" йўналишидаги "Инглиз тили", "Рус тили" тўгаракלари раҳбарлари Муҳаббат Турдиева, Бахтиёр Қорабоев, "Ҳунармандчилик ва қўл меҳнати" йўналишидаги "Ёш пазанда" тўгараги раҳбари Саида Газиева, "Жисмоний тарбия ва спорт" йўналишидаги "Шахмат" тўгараги раҳбари Зулхумор Бектемирова, "Маданият ва санъат" йўналишидаги "Миллий рақс" тўгараги раҳбарлари Гўзал Усмонова ва Муниса Мирзаевалар ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келмоқда. Натижада ушбу тўгарак аъзолари республика ва шаҳар миқёсида ўтказиб келинаётган кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. Ота-оналар ҳам фарзандларининг бўш вақтларини унумли ўтказиш мақсадида тўгаракларга олиб келмоқда. Шу боис тўгарак аъзолари сони йилдан-йилга ошиб бормоқдаки, жорий йилда 816 нафарга етганлиги ҳам сўзимизнинг ёрқин исботидир.



**Муҳайёхон АСТАНОВА,**
*"Хорижий тиллар" ва "Техник ижодкорлик" йўналишлари бўйича услубчи.*

*Ўқинг, қизиқ!*

# АЁЗ ҚАНДАЙ ЮЗАГА КЕЛАДИ?

Астрономлар такомиллаштирилган дурбинлар билан кузатганларида қуёш сиртида учта доғ борлиги аниқланди. Доғларнинг биттасининг юзаси ниҳоятда катта бўлиб, ёнидагиларидан қарийб беш марта йирикдир. Қиёсласак, унинг юзаси ернинг кўринма сиртидан тахминан 350 марта катта.

Астрономлар бу доғларнинг қандай пайдо бўлганлиги, нима эканлиги ҳақида бош қотирдилар. Уларнинг баъзилари бу доғларни қуёшда ёниб турган лаваларнинг кўпиги, десалар, бошқалари магнит оқими учоғи, дея тушунтирдилар. Бундай қарашлар кўп, аммо улар нотўғри хулосалардир. Қуёшдаги доғлар қуёшда ёниб турган суюқ газлардан юқорига буртиб чиққан тоғлар учлари ва алангаданда юқорига буртиб чиқиб турган орол ёки қитъа юзасидир. Иссиқлик таъсирида тоғлар учлари юзаси ва буртиб чиққан орол юзаси қорамтир тусга эга бўлган. Бу изоҳларни янада аниқрок тушунтириш учун ер сайераси юзасига разм соламиз. Ер юзасида денгизлар, океанлардан буртиб чиққан тоғ ва оролларни кўрамиз. Қачонлардир ер юзи денгиз сатҳидан 1100 м қалинликда сув билан қопланган бўлган. Бунинг исботи тоғлар юқорисида, горизантал ҳолда, сув изларининг мавжудлигидир. Бинобарин ер сайёраси атрофини қоплаб турган қалин сув устида 6 хил суюқ газлар каби, сувданда енгил бўлган суюқ газлар аралашмалари ёниб турган. Тушунганингиздек, коинотдаги барча сайёралар, гуё юлдузлар сингари ёниб турган. Аниқлик киритайлик, Марс, Ер, Венера, Меркурий каби сайёраларнинг тупроқлари бир хил бўлгани каби бошқа сайёралар ва қуёш тупроқлари ҳам шу кабидир. Бинобарин қуёшдаги тупроқ устида сув уммони мавжуд бўлиб, ундан-да юқорида суюқ газлар аралашмаси ёниб турибди. Ер сайёрасини ўрганиб чиққанимиздек, қуёшдаги доғлар ёниб турган газлардан бўртиб чиққан тоғлар ва орол соясидир. Демак, қуёшнинг 27 кунда ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиқишини ҳисобга олсак ва ҳисоблаб чиқсак, тахминан ҳар 11 йилда, қиш фаслида, ер сайёраси қуёшдаги катта доғ сояси остида қолади. У 3,5 кун соя остидан чиқа олмайди. Бу кунлар давомида бутун ер юзаси -20,-30 даражагача совиб кетади. Аслида Ер сайёраси қуёш доғи соясида 3,5 кун қолсада ҳосил бўлган аёз 15-20 кунлаб чўзилиб кетади. Бунга сабаб қишда Ер сайёраси Қуёшдан узоқда бўлади ва унинг ўзи шундай ҳам совуқ ҳарорат қуршовида бўлади. Иккинчидан, коинот қоронғуликдан, чексизликдан, вакумдан ва совуқликдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, Ер сайёраси соя остида қолиш билан бирга коинот совуқлиги гирдобига шунғийди. Юқоридагилар натижасида Ер сайёраси тупроғи ярим, бир метргача музлаш билан бирга унинг атмосфераси ниҳоятда совиб кетади. Тадқиқотчиларнинг аниқлашларича, бундай кунларда Ер сайёрасининг шимолий қутбида ҳарорат -88 даражагача тушиб кетган. Бунда сайёра ҳароратини олдинги ҳолига келтириш учун қуёш уни тахминан 2-3 ҳафта давомида қиздирмоғи керак. Ҳар 11 йилда, қиш фаслида, Ер сайёрасининг 3,5 кун мобайнида, соя остида қолиши натижасида икки ҳафта давомида пайдо бўлган аёз Ер юзининг барча ҳудудларига, инсониятга талафот бериб ўтади. Бу аёзли икки ҳафтани қисқа муддатли "глобал совиш", деб атаса бўлади. Энди биз қисқа муддатли бундай "глобал совиш" ҳар 11 йилда такрорланишини билиб олдик. Бу йил ҳам шундай бўлди. Бундан кейин биз такрор келадиган бундай аёзларга тайёр туришимиз лозим.

**Юсуф РЎЗИЕВ,**
**астрофизик.**

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

## "ЎЗБЕКИСТОН" КЎЧАСИ БЎЙЛАБ ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИЛИШИ ҚИЗҒИН КЕТАЯПТИ

***Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.***

Бугун энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий, барча қулайликларга эга турар жой бинолари қад ростлаяпти. Бу эса ўз навбатида халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда, уй жой билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йилнинг ўзида бигина Жиззах шаҳрида 12 та кўп қаватли янги турар жой бинолари фойдаланишга топширилди. Айни кунларда ҳам шаҳарнинг "Ўзбекистон" кўчаси бўйлаб янги уйлар қурилиши қизғин кетаяпти. "Мужская сила" масъулияти чекланган жамиятининг малакали қурувчилари томонидан барпо этилаётган, барча шароитларга эга 72 квартирали кўп қаватли уй баҳорнинг илк кунларида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, умумий қиймати 60 миллиард сўмни ташкил этган ушбу бино қурилиши ва жиҳозланишида сўнгги русумдаги қурилиш материаллари ишлатилмокда.

**Ориф ЖУМАНОВ**

## ТИЛСИЗ ЁВГА ҚАРШИ КУРАШИШ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

***Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкиллаштирилаяпти.***

Бундан ташқари, ОАВ орқали ҳам тарғибот, ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашишни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборатдир. Тилсиз ёвга қарши курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқлидир. Белгиланган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинса, нафақат уй-жойимиз, балки азиз жонимиз ҳам омон бўлади.

**Б.БЕРДИЁРОВ,**
*Сергели туман ФВБ ПваНБ инспектори катта лейтенант.*

# ЭЗГУЛИК САОДАТИ

*Бердиқобил бобо Қосимовни қамашиликлар яхши танишади. Чунки у киши ўзининг ҳалол меҳнати ва олижаноблиги билан эл назарига тушган. Мавриди келиб отахон билан суҳбатлашдик.*

– Ёшим саксон иккида, Тўқбой қишлоғида туғилганман, – дейди у. – Отам уста Қосим ўтов ясайдиган ҳунарманд, онам Кунсулув эса уй-рўзғор ишлари, болалар тарбияси билан овора бўлган куюнчак аёл эди. Оилада уч ўғил эдик. Қишлоғимиз одамлари азалдан тол ва терак ўстириш билан шуғулланиб, улардан уй-рўзғор анжомлари, бешик, сандиқ, эшик-деразa ва ўтов тайёрлашда фойдаланиб келишган. Айниқса, отам ясаган ўтовининг бозори чаққон эди. Ҳатто Туркманистон, Сурхондарё, Бухоро, Деҳқонободдан харидорлар келишар, бири даштдан яна бири тоғдан келган меҳмонлар ғаройиб эртаксимон воқеаларни сўзласа, отам ўтирганларнинг қистови билан Яссавий, Сўфи Оллоёр, Машраб каби улуғларнинг байтларини ёддан айтарди. Ҳозир баъзан ўйлаб қоламан, отам оддий косиб бўлса, буларни қачон ва қандай ўрганди экан? Отамнинг мустаҳкам хотира соҳиби эканлигига ўшанда амин бўлганман. У киши бир умр косибчилик қилиб рўзғор тебратди. Бизларни ҳам ҳалол, меҳнатсевар этиб тарбиялади. Умри давомида кўп воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган отам узоқ умр кўрди ва тўқсон тўрт ёшида вафот этди. Онам мунис, меҳрибон эди. Агар мен ҳофиз бўлганимда оналарга атаб ўтли қўшиқлар айтган, шоир бўлганимда гўзал шеърлар битган бўлардим. Аттанг, ҳофиз ҳам, шоир ҳам эмасман-да. Онам ҳам узоқ умр кўрди ва 101 ёшида оламдан кўз юмди. Ўспиринлик даврим урушдан кейинги оғир йилларда ўтди. Қўшни Қорабоғ қишлоғида ўрта мактаб бор эди. Атрофдаги қишлоқлардан болалар қатнаб ўқишарди. Йўл олис, қорли-қировли кунларда мактабга қатнашнинг турган-битгани азоб эди. Шу боисдан бир нечта болалар уйимизда ётиб мактабга қатнарди. Шундай болалардан бири адашим Бердиқобил Худойқулов бўлиб, у акам Эшқобил билан синфдош – жўра эди. Ота-онам уни боласидек яхши кўрарди. Вақт ўтиши билан мен ҳам у болани худди туғишган акамдек ёқтириб қолгандим. Мактабни тугатган акаларим хўжаликка ишга киришди. Бердиқобил ака эса қийинчиликлардан ҳайиқмай пойтахтга бориб, олийгоҳ талабаси бўлди. Мен ҳам мактабни битириб Тошкентга йўл олдим ва ТошМИнинг доришунослик бўлимига ўқишга кирдим. Талабалик даврида ҳам Бердиқобил ака билан тез-тез кўришиб турардик, у киши мендан ёрдамини ҳеч ҳам аямасди. Тақдирни қаранг, орадан йиллар ўтиб икковмизга ҳам Қамаши шаҳрида яшаш ва уйли-жойли бўлиш насиб этди. Бунгача Бериқобил акам турли ташкилот ва корхоналар, хўжаликларда раҳбарлик лавозимларида самарали ва ҳалол меҳнат қилди. Эл-улуснинг назарига тушди. Шу орада мен ҳам таҳсилни тугатиб, Бешкент ва Қаршидаги дорихоналарда мудир бўлиб ишладим ва кейинчалик Қамашига кучиб келиб, ишимни давом эттирдим. Юртимиз мустақилликка эришгач, тадбиркорларга кенг имкониятлар эшиклари очилди. Истиқлол берган имкониятдан фойдаланиб, оила аъзоларим билан хусусий дорихона очиб, элимизга астойдил хизмат қилишга бел боғладик. Ҳозир шаҳримизда иккита дорихонамиз бор. Уларни ўғил ва келинларим юритаяпти. Мен эса нафақадаман. Рафиқам Нусратой билан турмуш қуриб, олти ўғил ва икки қизни ўқимишли, уйли-жойли қилдик. Тўнғич эгизакларимиз Ҳасан ва Ҳусанлар олий маълумотли қурувчи, пойтахтда яшайди. Кейингилари Ҳамза, Алишер ва Ғанишерлар менинг изимдан бориб, доришуносликни танлади. Улуғбек эса ҳуқуқшунос, ҳозир Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасида фаолият олиб бормоқда. Қизларим Хайринисо ўқитувчи, Меҳринисо эса шифокор. Бариси ўзларидан кўпайган. Ишқилиб бошлари тошдан бўлсин.

Бердиқобил бобо ташқарилади. Тўрда савлат тўкиб ўтирган адаши, кекса адиб Бердиқобил Худойқулов унинг гапини давом эттирди.

– Энди ука, одам қаригандан кейин озгина эзма бўлиб қолар экан, бу ёғини сўрасангиз ёшим ҳам саксон саккизда, гапнинг дангалини айтсам, укамиз Бердиқобилнинг асли палаги тоза одам, – дея гап бошлади бобо. – Мен бу оиланинг нон-тузини кўп еганман. Гўри нурга тўлгур уста Қосим ва Кунсулув момолардан меҳр ва оқибатни, мурувватни топдим. Мен бу ҳақда китобларимда ёзганман. Энди укам Бердиқобил ҳақида айтсам, у мен учун азиз ва қадрли. Ҳатто яқинларимга, ўғил ва қизларимга айтолмаган дардларимни, армонларимни, орзу-ҳавасларимни фақат шу укамга айтаман, бу ёғини ўзингиз англаб олаверинг! Гарчи ёши мендан олти ёш кичик бўлса-да, у менинг сирдошим, маслакдошим, таянчим, яхши-ёмон кунларда бир-биримизга суяниб юрамиз. Менинг айтарим шу, қолганини одамлардан сўрайверасиз.

Ташқаридан мезбон қайтиб кирди. Биз уй соҳибига юзландик. Бердиқобил бобо яна сўз айтди: у ёғини билмадим, аммо одам боласи кексайгач, уни тушунадиган суҳбатдошни излаб қоларкан. Гуриллаб юрган пайтларда таниш-билиш, ошна-оғайни, улфатлар кўп бўларкану, уйда ўтириб қолгач, уларни излаб ҳам тополмай қоларкансан. Ҳайриятки, менинг ҳам уч-тўртта синалган қадрдонларим бор. Шулардан бири Чори Оқмирзаев бўлади. Дўстим бир пайтлар эл олқишини олган "Бўстон" ансамблини ташкил этишда ва довруғ таратишида муносиб ҳисса қўшганлардан. Ширалигина овози бор, айниқса, Махтумқулининг "Ҳар номардга айтма, дарду сирингни" ғазалини маромига етказиб куйлайди. Қўшиқни танглаб хаёлингга кўп хотиралар келади. Ижодкор укамиз Сайфулла Ал-Муроднинг халқ йўлида ёзилган шеърлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси шоир Ражаб Турдининг фалсафий битиклари, тутинган акам Бердиқобил Худойқуловнинг ҳаётий ҳикояларини тинглаб, ҳузурланаман, завқ оламан.

Кекса отахонлар билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Хайрлашар эканман, ҳаётнинг барча паст-баландликларига, бор аччиқ-чучигига бирга елкадош бўлиб, умргузаронлик қилган бу икки нуроний инсонларнинг бугун биз билан узанги йўлдош бўлиб яшаётганининг ўзи тириклик аталмиш неъматнинг файзу барокати эмасми, деган ўй кечди хаёлимдан. Ўйларимни уқиб тургандек Бердиқобил бобо мийиғидан жилмайиб деди: ука, тағин бугунги гурунгимизни ёзиб-чизиб юрма, ундай ёзиладиган катта ишларни қилмаганмиз... Аслида, бу камтарин инсоннинг эзгу ва савобли ишларини мен ёзмасам ҳам эл билади. Ҳаёти давомида бемор бўлмаган ёки шифокорга иши тушмаган одам бўлмаса керак. Хасталикнинг давоси эса дори-дармон. Аммо, ҳозир нима кўп дорихона кўп. Қамашида ҳам шундай. Лекин кўпчилик негадир Бердиқобил бобонинг дорихонасини излаб, ахтариб келишади. Сабабини сўрасангиз, "Отахоннинг дорилари сифатли, кейин сотувчилари ҳам инсофли-диёнатли", деган гапни айтишади.

Мен бу сўзларини атай тўқимадим. Бундай миннатдорчиликка йўғрилган сўзларни ўнлаб харидорлардан эшитдик. Халқимизда, "Инсофи борнинг, баракаси бор", деган гап бор. Ахир тадбиркорман, деб бир сўмнинг устига ўн сўм қўйиб сотадиганлар озми?.. Бердиқобил бобо эса дорихонада ишлаётган ўғил-қизларига бот-бот инсоф ва савоб ҳақида сўзлаш билан бирга уларнинг ишларини назорат қилади.

Ҳалолликни, яхшиликни умрининг мазмунига айлантирган инсонлар эзгулик саодатига эришади, дейди эл. Бердиқобил бобо эса савоб ишни ҳар куни қилиш керак, деган ҳикматга амал қилиб, кам бўлмади. Эл-улус ичида сийму зарларга топилмайдиган обрў-эътибор, бахт, ризқ-насиба топди.

**Ўролбой ҚОБИЛ,**
*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*

## ИС ГАЗИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

***Фавқулотда вазиятларнинг тахминан 12 фоизи ис газидан заҳарланиш ва газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши оқибатида содир бўлади.***

Нохуш вазиятлар рўй бермаслиги учун қишки мавсумда иситиш ускуналарининг соз эканлигига жиддий эътибор бериш зарур. Иситиш мавсумида энг эътиборли жиҳат шундаки, аввало аҳолининг ўзи мол-мулкини, уй-жойини ёнғин хавфидан ҳимоя қилмоғи керак. Бунинг учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя этиш, доимо ҳушёр бўлиш, ёш болаларни газ ёқиш-ўчириш ишларига жалб этмаслик лозим. Газ иситиш қурилмаларидан ва электр асбобларидан эҳтиёткорлик билан тўғри фойдаланиш, иситиш печларини ишлатишдан аввал мўриконларини тозалаш зарур. Мўрикон яқинида қуруқ пичан ва шунга ўхшаш тез ёнувчи нарсаларнинг бўлишига йўл қўймаслик керак. Шунда ёнғин хавфини камайтирган бўламиз. Агарда, хонада газ йиғилиб қолганини сезсангиз, зудлик билан хонанинг эшик ва деразаларин ланг очиб, шамоллатинг, хонадаги электр жиҳозларини ёқманг, ёниқ бўлса ўчирманг, газ жўмракларини беркитинг!

Доимо ёдда сақланг, ёнғин хавфсизлиги қоидалари умримиз гарови.

**Б.ИРСИМБЕТОВ,**
*Тошкент тумани ФВБ П ва НБ инспектори, сержант,*
**А.АБДУКАРИМОВ,**
*ФВВ академияси курсанти.*

*Эълон*

2023 йил 4 январда Акбарова Шаҳноза Олимжон қизи номига берилган №07-01/14297 рақамли давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Qishloq hayoti

**МУАССИСЛАР:**
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАИТОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари),*
Раимқул СУЯРОВ *(бош муҳаррир ўринбосари).*

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-240. 2701 нусхада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04.
**e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru** Баҳоси келишилган нархда.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ISSN 2010-7021

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.10